

УДК: 165.3 (575.1)

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАРИНИНГ ЁШЛАРНИ ЗАМОНАВИЙ КАСБЛАРГА ТАЙЁРЛАШДАГИ ЭПИСТЕМОЛОГИК ВА ИЖТИМОЙ ЗАРУРИЯТИ: МЕТОДОЛОГИК ТАҲЛИЛ

*Жалалова Г.О. - ЎЗМУ
Этика ва эстетика кафедраси
катта ўқитувчиси фалс.ф.д. (PhD)*

Аннотация

Мақолада муаллиф биринчидан, замонавий даврда таълимнинг мураккаб тизим сифатидаги трансформациясининг эпистемологик ва ижтимоий аҳамияти методологик таҳлил этилади. Замонавий ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар трансфессионал касбларга бўлган эҳтиёжни ортиб боришига олиб келиши, бу эса таълим тизимида фанлараро ёндашувни ривожлантиришни эпистемологик ва ижтимоий заруриятга айланишига олиб келиши таъкидланади.

Калит сўзлар: таълим тизими, мураккаб тизим, элемент, структура, фанлараро ёндашув, методология, эпистемология, трансфессионаллик, трансформация

ЭПИСТЕМОЛОГИЧЕСКАЯ И СОЦИАЛЬНАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ СОВРЕМЕННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ТРАНСФОРМАЦИИ В ПОДГОТОВКЕ МОЛОДЕЖИ К СОВРЕМЕННЫМ ПРОФЕССИЯМ: МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ

Аннотация

В статье автор прежде всего методологически анализирует гносеологическую и социальную значимость трансформации образования как сложной системы. Подчеркивается, что современные социально-экономические изменения приводят к увеличению потребности в трансфессиональных профессиях, что делает развитие междисциплинарного подхода в системе образования гносеологической и социальной необходимостью.

Ключевые слова: образование, сложная система, элемент, структура, междисциплинарный подход, методология, эпистемология, транспрофессионали, трансформация.

Президентимиз томонидан Янгиланаётган Ўзбекистонда бир-бири билан чамбарчас боғланган мактабгача талим, мактаб талими, ўрта махсус ва олий

таълим тизимлари, илмий-тадқиқот муассасаларини ривожлантириш бўйича беқиёс ўзгаришлар амалга оширилаётганлиги таъкидланди [1, 54]. Бу ўз навбатида республикамизда замонавий билимларни генерация қилувчи фан, таълим тизими трансформациясини талаб этмоқда. Чунки классик таълим системаси замонавий ижтимоий ривожланиш мезонларига жавоб бермай қолди. Натижада таълим системасида эски структуранинг бузилиши ва аста-секинлик билан янги структуранинг қарор топиш жараёни давом этмоқда.

Аммо янги структура шаклланган вақтда таълим системасида элементлар бирданига самарали фаолият кўрсатмаслиги мумкин. Элемент ва структура орасидаги қарама-қаршиликнинг ечими ижтимоий системани янги сифат босқичга кўтаради. Бу эса ўз навбатида системадаги элементларнинг ўзаро алоқадорлиги, боғланишларини талаб этади. Шундай экан, замонавий таълим тизимидаги янги ўзаро боғланиш ва ўзаро алоқадорликни қандай таъминлаш мумкин? Таълим тизимининг мураккаб тизим сифатидаги фаолиятининг самарадорлигига қандай эришиш йўллари қандай? Бу муаммолар бугунги кунда жуда долзарб, ҳар бир мамлакат ривожланишига дахлдор масала эканлигини давлатимиз раҳбари томонидан ҳам эътироф этилди. Дунё микёсида рақобат кескинлашиб бораётган ҳозирги мураккаб даврда мамлакатимизни илм-фан ютуқлари, юкори технологиялар асосида модернизация қилиш ва янгилаш муҳим вазирамизга айланганлиги таъкидланди [1,56].

Шу сабабли таълим тизими трансформациясида методологик ўзгариш муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш жоизки, таълимдаги методологик трансформация замонавий тобора ахборотлашиб мураккабликлар ортиб бораётган даврда муҳим эпистемологик ва ижтимоий аҳамият касб этади. Замонавий фан ва таълимдаги методологик трансформацияда фанлараро ёндашувни ривожлантириш республикамизда етук соҳа мутахассисларини тайёрлашга замин яратади. Фанлараро ёндашув асосида билимларни узатиш, мутахассисларни тайёрлаш таълим тизимини янги сифат даражасига кўтаради деб ҳисоблаймиз.

Фанлараро ёндашув ўзи нима? Фанлараро ёндашув бир фан доирасидаги метод, усулларни иккинчи фан доирасида ҳам қўллашдир.

Фанлараро ёндашув фанларнинг бирлашувини эмас, балки уларнинг ўзаро таъсири натижасида ҳар бир фаннинг ҳам мазмун, ҳам услуб жиҳатидан бойишидир. Шу билан бирга, бунда янги усуллар ҳам шаклланадики, кўп ҳолларда улар барча фан соҳалари учун бирдай қўлланиб уларнинг яқинлашувига ва ўзаро бирикишига олиб келади. Бу эса фан тараққиётини таъминлашга хизмат қиладиган эвристик концепцияларни шаклланишига олиб келади [3].

Фанлараро ёндашувнинг ўзига хослиги шундаки, у тадқиқот услубини бир фандан иккинчи фанга ўтказиш имкониятига эга. Масалан, биофизика, иқтисодий психология фани ана шундай фанлараро тадқиқотлар асосида шаклланимда. Бугунги кунда тез ривожланиб бораётган замонавий рақамли иқтисодиёт ҳам фанлараро ёндашувга асосланган билимли мутахассисларни талаб этимда. Буни касблардаги ўзгаришлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Фанлараро ёндашув асосидаги касбларга мисол келтирамиз. Масалан, ахборот технологиялари ва журналистика доирасида “Маълумотлар журналисти” касб эгаларини тайёрлашга тобора катта эътибор қаратилмда [7] . Психология ва ахборот технологиялари интеграцияси асосида эса ахборот ва кибермакондаги психология каби мутахассисларга тобора эҳтиёж ортиб бормда. Шунингдек, компьютер ва лингвистика интеграциялашуви натижасида компьютер лингвистикаси мутахассислиги пайдо бўлди.

Демак, биз яшаётган мураккаб реаллик, Учинчи Ренессанснинг “тўрт узвий ҳалқаси” яъни таълим тизими трансформациясини талаб этимда.

Тадқиқотлар кўрсатмдаки, ҳозирда бутун дунёда тор мутахассисларни эмас, балки кенг қамровли мутахасисларни тайёрлаш таълим тизимининг энг муҳим вазифасидир.

Демак, замонавий давр биздан трансфессинал[8] мутахассисларни тайёрлашни талаб этимда. «Трансфессия» - шундай амалиётки, унда субъект бир касб доирасидагина фаолият олиб бормай, бошқа касбларга ҳам ўтиш учун етарли билим ва малакага эга бўлади. Бундай касб эгалари ўзларининг таълим даражалари, йўналишларини ўзлари ташкил эта оладилар. Трансфессиналлик касбга қараганда биринчидан, очик тизим бўлиб, доимий билим, малака билан бойиб боради. Иккинчидан, трансфессиналлар тармоқли навигатор, яъни янгилик яратувчилар ҳисобланади. Улар тармоқлардаги билимларни топиш, ўзлаштиришда юқори малакага эга бўладилар [4] . Бундан келиб чиқадикки, трансфессиналлар – шундай кишиларки, улар бир қанча касбларни яхши эгаллаб оладилар ва заррурият бўлганда ўз касбларини тез ва осон ўзгартириб кета оладилар. Бунда улар бир касбга оид билим ва технологияларни иккинчи бир соҳага олиб ўта оладилар. Натижада янги технология, янги билим ҳосил бўлади. Бундай малакани ёшларимизда шакллантириш эса фанлараро ёндашув методологияси асосида яратилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, замонавий таълим ва фанда фанлараро ёндашув методологияси Янги Ўзбекистонни ривожлантиришда муҳим эпистемологик ва ижтимоий аҳамиятга эгадир. Чунки Янги Ўзбекистонни ривожлантириш Стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда глобал, ментал, маданий, мураккаб сиёсий креатив иқтисодиётдаги муаммоларни ҳал қилиш учун республикамизга

фанлараро ёндашув асосида тайёрланган касбларни эгаллаган ёшларимизга эҳтиёж тобора ортиб боради. Президентмиз Ш.М, Мирзиёев таъкидлаганидек, таълим бугунги кун учун зарур бўлган янги авлодни, илм-фан ва замонавий ихтисослиги асосларини пухта эгаллаган, билимли ёшларни тарбиялаши лозимдир[1,238] Шу мақсадда республикамизда фандаги истикболли ракамли технологиялар, сунъий интеллект, робототехника, биотехнология, нанотехнологиялар каби илмий-тадқиқот ишларини жадаллаштириш вазифаларининг белгиланиши ўйлаймизки, таълим ва фанда фанлараро ёндашувни республикамизда янада ривожланишига ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон Стратегияси. - Т.: Ўзбекистон, 2021.- Б. 56.
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон Стратегияси. - Т.: Ўзбекистон, 2021.- Б. 238.
3. Алиева Н.З. Постнеклассическое естественнонаучное образование: проблемы становления: монография / Н.З. Алиева. - Шахты: ЮРГУЭС, 2008. -197 с.
4. Ботирова С. Фанлараро ёндашувнинг методологик муаммолари. 00.09.01. Дисс. ф.ф.д.(PhD). - Т., 2017.
5. Жалалова Г.О. Таълим тизимидаги трансформацияларнинг эпистемологик моҳияти // ЎЗМУ Хабарлари. – Тошкент, 2013. Махсус сон. – Б.181-184.
6. <https://postupi.online/journal/novie-professii/professii-na-stike-it-i-drugih-nauk/>
7. <http://atlas100.ru/future/>